
Учта қишлоқни боғлаб турувчи кўчаларнинг асфальтланиши натijasида аҳолининг кўп йиллик муаммоси ҳал этилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-408-сон қарорига асосан Фурқат туманида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ишлари давом этмоқда.

Жумладан "Томоша" маҳалласига қарашли Курултой қишлоғидан ўтган умумфойдаланишдаги автомобил йўлининг 3 км қисмини жорий таъмирлаш, Гузар кўчасининг 2,5 км, Боғу бўстон кўчасининг 1,2 км, Мустақиллик ва Дўстлик кўчаларининг 1,2 км жами 7,9 км ички йўлларни асфальтлаш ишлари учун 4 млрд сўмга яқин маблағлар ажратилган.

Учта қишлоқни боғлаб турувчи ушбу кўчаларнинг асфальтланиши натijasида аҳолининг кўп йиллик муаммоси ҳал этилмоқда.

Ҳозирда ушбу кўчаларда шағаллаштириш ишлари якунланиб, текислаш, асфальт ётқизишга тайёрлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Бугунгача, "Томоша" маҳалла фуқаролар йиғинида "Менинг йўлим" лойиҳаси доирасида Мевазор кўчасининг 2,7 км, Шифокор, Дўстлик кўчаларининг 1 км ички йўллари асфальтланган. "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида 1 дона трансформатор ўрнатилди. 5 та кўчаларга ичимлик суви тармоғи тортилиб, сув миноралари таъмирдан чиқарилди. Янгилари ўрнатилиши натijasида 353 та хонадонда яшовчи 600 нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланган.

2023-05-19 16:36:16